

Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

23 ноябрь, шанба, 1996 йил
Сотува эркин нархда. № 239 (1491)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING FARMONI
М. Жуманиёвни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув қўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида
Марке Жуманиёвни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳужалиги вазири этиб тайинланган.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Наманганда халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI КЕНГАШИДА

22 ноябрь кўни Ўзбекистон парламенти Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Унда биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини 1996 йил 26 декабрда қақриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессия ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш ва депутатларга вақтида етказиб бериш, бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиёва раҳбарлигида депутатларнинг

иши гуруҳи тузилди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузури-

да Амалдаги қонунчилик мониторингини институтини ташкил этишга қарор қилинди. Қонунчиликни, норматив ҳужжатларнинг демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари принципларига мувофиқлигини ўрганиш, қонунларимизни демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро

нормалар ва андозаларга мувофиқлаштириш, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жо этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар институтининг асосий вазифалари деб белгиланди.

Хива туманидаги Р. Мадаминов номи жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил шолдан мўл ҳосил оlishда.
СУРАТДА: бригада бошлиғи Султон Жуманиёв (ўнгда) ва жамоа хўжалиги раҳбари Матёкуб Мадаминов.
Р. ЖУМАНИЕВОВ олган сурат.

Сессия иштирокчилари вилоят ҳокимининг бир қанча қарорларини тасдиқлади. Шунингдек, 103-Заркент сайлов округидан бўлиб қолган депутатлик ўрнига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Вилоят кенгаши депутатлари Олий Мажлис депутатлигига мазкур сайлов округидан вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов номзоди кўрсатилишини бир овоздан маъқуллашти. Сессияда бир қанча сайлов округларида бўлиб қолган ўринларга вилоят кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сессияда вилоят ҳокими Т. Жабборов иштирок этди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини қақриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь кўни

Тошкент шаҳрида қақрилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 22 ноябрь.

Олий Мажлис еттинчи сессиясининг муҳокамасига қўйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997

йилги истикбол кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.
2. Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

(иккинчи ўқишда киритилмоқда).
3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

(иккинчи ўқишда киритилмоқда).

4. Сийёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

5. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

6. Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

7. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

8. Давлат хизмати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

11. Давлат уй-жой сийёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

12. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.



Маркент туманидаги Тухтасин Мирзаев номи жамоа хўжалиги деҳқонлари Андишон вилоятда биринчилар қатори кузги шугурлаш ишларини ижро этишга етказди. Ерлар картограмма асосида маҳаллий ва минерал уғит билан озиклантиришни ҳолида ҳайдовчи чикаришли, Техникдан унумли фойдаланиш, механизаторлар мол-дий маъмуриятининг оспирни муваффақият гарови бўлди.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

СИДНЕЙ. АҚШ Президенти Билл Клинтон Австралия ҳукуматига ядро қуроли синовларини ҳар томонлама тақиқлаш шартномаси тузишдаги ҳиссаси ва Шимолий Корея ядровий дастурини тўхтатиши борасидаги Америка сийёсатини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик ихпор қилди. Б. Клинтон Австралия билан иқтисодий ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик муҳим аҳамиятга молик эканини айтиб ўтди.

МАНИЛА. Филиппин поймахтада Осеё -- Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо 18 мамлакат олий мартабали вакиллари иштирокидаги анжуман ўз ишнини бошлади. Унда мазкур ҳудуд иқтисодий ҳамкорлигига доир, жумладан, 2020 йилгача эркин савдонинг йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилади.

ТБИЛИСИ. Грузия суди собиқ президент З. Гамсахурдия тарафдор, ноқонуний қуроли гуруҳлар бошлиғи Л. Кобалиани энг олий жазо -- отувага ҳужм қилди. У ватанга хиёнат қилишда, боқинчилик ва қотилликда айбланмоқда. З. Гамсахурдия давридаги Грузия Олий Кенгаши депутати Н. Молодинавили эса ватанга хиёнат қилишда айбланиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

ИСЛОМОБОД. Покистон Президенти Ф. Легхари Бош вазир Беназир Бхутто ҳукумати фаолиятининг давом этиши Покистонни сийёсий ва иқтисодий таназулга олиб келиши муаммаларга боис мазкур маъмуриятини хокимиятдан четланганини айтди. Б. Бхутто ҳукумати Покистонда ағуруда келган оғир иқтисодий ва молиявий аҳвол учун жавобгар эканини таъкидлади.

РИМ. Италия поймахтада ўтказилган озиқ-овқат масаласи бўйича халқаро самит иштирокчиси Ф. Кастро матбуот анжуманида Америка маъмуриятининг Кубага нисбатан иқтисодий таъйиқни юмшатишдан умид қилаётганини айтди. У Рим папаси Павел IIКинчидини Куба оролига таъриф этмасини маъмур қилар экан, бу воқеа муҳим аҳамиятга молик эканини, халқаро жамоатчилик фикрига ижобий таъсир этишини таъкидлади.

ТОКИО. РТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, Гонконг шаҳри марказида 16 қаватли уйга ўт кетган. Натижада 29 киши ҳалок бўлди, 70дан ортиқ киши жараҳатланди. Гарчи оловни ўчиришга 38 та ўт ўчириш машинаси жабл этилаёт бўлсада, ёлғин узоқ вақт давом этган. Қўтқарув чоғида бир ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Ёлғин келиб чиқиш сабаби ҳали аниқланмади.

СИНГАПУР. Осеё -- Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Хитой ва Тайван ҳукуматларининг халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиш истагини қўллаб-қувватлади. Халқаро савдо ташкилотига 125 давлат аъзо бўлиб, унинг вазирлар даражасидаги ўчаруши декабрь ойида Сингапурда ўтказилади. Яна 28 давлат ҳам ушбу ташкилотга аъзо бўлиш учун ариза берган

ТБИЛИСИ. Грузия Президентининг матбуот котиби Вахтанг Абашидзе Президент Эдуард Шеварднадзеининг чечен сепаратчилари етакчиси Зелимхон Яндарбиев билан ўчарушни қўталиётгани ҳақида хоржий ахборот маҳкамалари тарқатган маълумотларни рад қилди. У Грузия маъмуриятини Чеченистон билан яхши алоқа ўрнатилишига аҳамият бераётгани, лекин бу ҳаракат Россиянинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига асосланганини ўқтириб ўтди.

«ЭНГРАГ» ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистонда ўтказилаётган кучли ижтимоий сийёсат нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътиборини тортмоқда. Эҳтижманд оилаларни, қария ва ногиронларни бозор муносабатлари шароитида қўллаб-қувватлаш мазкур сийёсатнинг асосий йўналишидир.

Тошкентда «Энграг» халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлди.

Маросимда сўзга чиққанлар жамғарма шу йил ёзда ўтказган ногирон болалар чизган расмлар талови қатнашчилар ва отаналар қалбига нур ва қувонч

ҳада этганини таъкидлаб, «Энграг» фаоллари ва ҳомийлари -- республика Ижтимоий таъминот, Халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти билан келгусида ўтказилган хайри ишларда муваффақиятлар тилади.

Тақдимот маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Ф. Сидорский, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Со Кон И қатнашди. (ЎЗА).

ДАВР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

22 ноябрь кўни Тошкентдаги «Интер-континенталь» меҳмонхонаси мажлислар залда Акселел -- талим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилотининг «Оммавий ахборот воситаларида демократия акс этиши ва унинг Марказий Осиёга миллийлик ҳамда миллий маданиятга таъсири» мавзусидаги халқаро анжуман бошланди.

Унда республика вакиллари вакиллари, Ўзбекистон ва АҚШнинг бир қанча нуфузли университетлари профессор ва ўқитувчилари, хорижий дипломатлар ҳамда журналистлар иштирок этмоқда.

Анжумани Акселелнинг Ўзбекистондаги директори Иброҳим Юк

сел очди. Американиннг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Стенли Эскулеро Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг бугунги сийёсий ва иқтисодий ҳаёда турган ўрни, миллий оғи ва миллий маданиятга таъсири, жамиятдаги барқарорликни сақлаш, матбуотни эркинлаштиришга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократийлаштириш ва қўллаб-қувватлаш иқтисодий-сийёсий жамғармаси ҳамкориси Аҳмадjon Мелибоев Ўзбекистон ҳукуматининг оммавий ахборот воситаларида эътибори, ҳусусан, Президент Ислам

Каримовнинг республика Олий Мажлисида оммавий ахборот воситаларини демократийлаштириш борасида илгари сурган гоялари, журналистларни иқтисодий ҳимоялаш ҳусусида амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар ҳақида сўзланди.

Анжуман ўз ишнини давом эттирмоқда. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

ҲАМЮРТИМИЗ -- БИРИНЧИ ЎРИН СОҲИБИ

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси қошидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестрининг созадаси Ф. Норбоевга Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «Сеул-96 пири» халқаро фестивал-танловида бахт кулиб боқди.



Бу анжуманда жаҳоннинг ун саккиз мамлакатидан етакчи соҳиблар қатнашди. Ўзбекистондан Ф. Норбоев билан бирга Хева шаҳридаги 2-болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси Матросул Матёкубов ҳам

АХБОРОТ БИР ЗУМДА ЕТКАЗИЛАДИ

Шаҳар ва туманлардаги хусусийлаштириш бўлиmlарига шундай аппаратлар ўрнатилиб, марказий бошқариш пултига уланди. Шу туфайли турли хил ахборот ва метерий ҳужжатлар, қарор ва кўрсатмалар компьютер воситасида бир зумда жойларга узатишда қабул қилинмоқда.

Хонқа тумани шодикорларни галуба кўчди. Қабул пунктларига 15 минг тонна «қир-миз» доми топирилди. Бу муваффақиятга улкан ҳисса қўшган «Галаба», «Олтин соҳил» ва Ал-Хоразмий номидаги жамоа хўжаликлари гекарт бошита 45-50 центнердан ҳосил кўтарди.

АҚШ ТРАКТОРИ МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Янги техника гоит юқори иш унумига эга экани, бошқариш тизимининг енгиллиги ҳамда ҳайдовчилар учун қулай шартин яратилгани билан манзур бўлмоқда. Фаргона вилоятининг бошқа туманларида ҳам кузги-қишки дала иш-

Бағдод туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги далаларида Американиннг дунёга машҳур «Кейс корпорейшн» компанияси ишлаб чиқарган «Магнум-7240» русумли ҳайдов-тракторлари олиб чиқилди.

ларига шундай машиналар жалб этилмоқда. Ҳозирдаёқ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВИЛОЯТ ФИДИАЛИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛДИ.

Еттинчи ўқишда киритилмоқда).
3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

ҚўШИМЧА ДАРОМАДГА -- «ДАМАС»

Бешариқ тумани пиллачилик ҳиссдорлик жамияти қошидаги қўшимча тармоқ илк самара берди. Бунга тумандаги энг чекка Янги Бахмал қишлоғида тикувчилик чеги ташкил этилгани туфайли эришилди. Талайгина қишлоқ ёшлари бу ерда турли буюмлар-



ни тикишни ўзлаштирди. Тайёр маъсулотнинг бир қисми пилла еттиштирувчи хўжаликлар билан тузилган шартномага мувофиқ

тарқатилмоқда, қолгани эса туман марказидаги «Кумуш тола» фирма дўконида сотилмоқда. Қўшимча тармоқ ҳозирнинг ўзидаёқ ярим миллион сўмдан кўпроқ даромад келтирди. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун «Дамас» автомобили харид қилинди. Даромаднинг қолгани корхонани кенгайтириш, ишчилар маданий-маиший шароитини яхшилашга сарфланмоқда.

БОЖХОНАЧИЛАР УЧРАШУВИ

Фарғонада Ўзбекистон ва Қирғизистон божхона хизмати ходимларининг минтақавий учрашуви бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Андишон ва Наманган вилоятлари божхона хизмати ходимлари, шунингдек, Қирғизистон Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳамда Тожикистон билан чегаралаш Иркекштон божхона маркази раҳбарлари қатнашди. Учрашув қатнашчилари контрабандага қарши кураш, транзит йўллар орқали қурул-яроқ, тибхўрач моддалар, шунингдек, товар-молдий бойликлар габирикониуний равишда олиб ўтилишининг пайини қирқишда биргаллик ҳаракат қилиш масалаларини муҳокама этишлар, бу боралдаги тажрибаларини ўртоқлашдилар.

МАКТАБ ЯНГИ БИНОГА КўЧДИ

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги энг чекка қишлоқлардан бири -- Гўртепа қишлоғида янги мактаб биноси қуриб битказилди. Бу воқеа барчага чексиз қувонч бахш этди.

Чунки мактабининг эски биноси бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Мактабининг янги биноси қурилиши учун вилоят жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилди. Тумандаги механизацияланган кўчма қурилиш колоннаси қурувчилари бинони тез ва соз қуриб битказишди.

ЯНА БИР ГАЗЕТА


Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудни муҳофаза қилиш органларининг «Адам ҳам Нил» («Инсон ва қонун») газетасининг биринчи сонини ўқувчилар қўлига бориб етди.

Қорақалпоқ ва ўзбек тилларида нашр қилиналган мазкур иқтисодий-ҳуқуқий газета унга доимий широр сифатида «Уния-авлодат» ҳикматиини танланди.

Газета беш минг нусхада чоп этилмоқда.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Жиззах вилоятидаги Қуйтош кони кейинги йилларда иқтисодий қашшоқлашиб, анча «ўтириб» қолганди. Қончиларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида бир қанча туралга истеъмол моллари ишлаб чиқарилган нехлар ишла туширилган, аҳвол анча яхшиланди.



БИЗНЕС МАҚТАБИ

АУДИТОР ФИРМА

«Аудит» лотинча сўз бўлиб, «Хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, тахлил этиш» деган маънони билдиради. Аудитор фирма эса корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишнинг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирмалар. Одатда у акционерлик жамияти ёки кооператив шаклида фаолият юритади, ўз хизмати учун ҳақ олади.

Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишнинг ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қондаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълол этилмайди.

Аудитор фирма ишлаш қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар, деб аталади. Улар вақтдан ишлаб, хизмат ҳақи ишлаган кун ҳисобига қараб тўланади.

Бозор иқтисодиётига ўтган мубоабати билан Ўзбекистонда ҳам 1992 йилдан бошлаб «Ўзбекистон аудиторлик» банклараро акционерлик жамияти иш қилиши.

олиб бормоқда. У банклар, кредит муассасалари, сўғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналар, ширкатлар ва жамоа хўжаликларининг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси бўйича экспертизалар ўтказишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги «Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, кўни-кеча Марказий банкнинг банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларнинг малакасини бўйича аттестация қилиш комиссияси томонидан «Ўзбекистон аудиторлик» фирмаси, шунингдек, «Делойт ва Туст», «Куперс энд Лайбранд лимитед» (Ўзбекистон) ва «Артур Андерсен лимитед» халқаро аудиторлик-консалтинг фирмаларига мамлакатимиз ҳудудда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар берилди. Энди республикамизда фаолият кўрсатувчи барча банклар банк аудитини ўтказиш масалалари бўйича ана шу ташкилотларга мурожаат қилишлари мумкин.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ БОЗОРЛАРИМИЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧДИР

Агар бугунги умумжаҳон иқтисодиётига назар соладиган бўлсак, унда амал қилиб келатган иқтисодий рақобат замонлар ўзгариши билан, узоқ вақт давомидида шаклланиш ва ривожланиш босқичини ўтаганлигини кўрамиз. Демоқчимизки, рақобат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. У жамиятда эркин иқтисодий тизим вужудга келган тақдирдагина юзага келади ва шубҳасизки, бу эркин иқтисодий рақобат жамиятни келгусида юксаклик ва фаровонлик чўққисига олиб чиқади.

Шу маънода, мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 15 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги айни мўъжаз бўлди. Бугунги эркин иқтисодий тизим сари далад қадам ташлаётган республикамиз иқтисодиётида маъмур қўмитанинг қандай ўрни бор? Умуман, унинг асосий иш фаолияти нималардан иборат?

Биз ана шу саволлар билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг раиси, вазир ўринбосари Рашид РАҲИМЖОНОВга мурожаат этидик.

— Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида давлатнинг иқтисодиётига доир барча юмушларни ўз зиммасига олиши ва бошқарувининг худдан ташқари умумлаштирилган ҳолда олиб борилиши ишлаб чиқариш самардорлигининг пастайишига, пировардида озиқ-овқат маҳсулотларининг кескин тақсислигига сабаб бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиёти давр синовларидан ўтган энг мақбул ва энг одил тизим эканлиги эътироф этилди. Чунки шунинг инсоннинг нимага қодирлигини рўйбета чиқаради, рақобатни юзага келтирилади. Рақобат бор жойда эса, доимо изланиш, ривожланиш, юксалиш бўлади. Қўмитамиз ташкил этилганда биринчи навбатда ана шу мақсад кўзда тутилган. Албатта, шу ўринда «Қандай қилиб қўмита рақобатни юзага келтириши мумкин? Ахир, рақобат сунъий равишда эмас, аксинча, эркин бо-

зор иқтисодиёти тизимиди вужудга келади-ку?» деган савол турғилиши табиий. Агар бугунги ўтиш даврини ҳисобга олсак, янги барпо этилаётган жамиятимиз учун Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига эҳтиёж кучлилиги аниқлашди. Чунки қўмитамиз зиммасига монопол корхоналар фаолиятини чеклаш, улар негизда мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган кичик корхоналар ташкил этиш, рақобатни юзага келтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишдек, улкан вазифалар юклатилган.

Бугунги кунда қўмитамиз томонидан бозорларимиздаги маҳсулотлар, маншай хизмат турлари бўйича умумий улуши 35-65 фоизни ташкил этадиган 6449 та монополизм корхона рўйхатга олинди. Айни пайтда уларнинг иш фаолиятини жойлардаги давлат статистика бошқармалари билан ҳамкорликда таҳлил қилиб бораётишимиз. Ўтган қисқа вақт ичида ҳодимларимиз жойлардаги 3612 та корхонанинг монополияга оид қонунларга эга равишда 762109 минг сўм асосий фойда олганлигини аниқлади ва маъмур ноқонуний ундирилган фойдани «Нархларни бошқариш жамғармасига» ундириб берди. Сирдалар вилояти ҳокимлиги «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонунга хилоф равишда бюджетдан ташқари жамғармани тўлдирishi мақсадиди монополизм корхона маҳсулотларига қўшимча устама нарх қўлади ҳақида ўзбекистонлик қўмита қабул қилган қарори эса беркор қилинди. Бундан ташқари, қўмитамизнинг бевосита ташаббуси билан жойлардаги монопол, деб топилган корхоналар таркибидан 1885 тадан зиёд турли хил кўринишдаги мулкчилик шаклларининг ажралиб чиқарилиши имконияти яратилди.

Сўзга «Халқ сўзи» мухбири Бақдир ОСТОНАҚУЛОВ эътиборини қўйди.



МАЙИЗ

Бугунги кунда Тойлоқ туманида янгиликка иштирокчи, чет эл технологиясидан фойдаланишга қизиққан кучли. Бунга кичик ва ўрта бизнесга қўмаклашувчи тасис дастурига мувофиқ Буюк Британиялик бир гуруҳ ишбилармонларнинг тойлоқликлар билан олиб бораётган ҳамкорлигини мисол қилиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки. Тойлоқда бўлган инглиз ишбилармонлари майиз тайёрлаш билан жуда қизиқиб қолди ва бу соҳада ўзаро ҳамкорлик қилишни маъқул кўришди. Хул-



МАЪҚУЛ

лас, энди Тойлоқ майизини Англия халқи ҳам татиб кўрадиган бўлади. Шу кунларда Тойлоқ далаларида бўлган кишини бу ердаги барча ишларнинг саранжом — саршталлиги қувонтиради. Ҳозир бу ерда экиладиган бўлган барча майдонлар ҳайдалиб бўлиди. Токлар қумлиб, суғориладиган боғлар қатор оралига экилан галага иккинчи



КЕЛДИ

суре берилляпти. СУРАТЛАРДА: «Богъзагон» ижара хўжалиги иесижонаси мудири Тошўлат Бекназаров; ижара хўжалигида қарам ҳосили йиғиб олинляпти; туман ветеринария бўлими мудири Мирзаали Муталибов ва хўжалик бош зоотехниги Сайфулло Жуманов; Мирзо Улуғбек номи жамоа хўжалиги паллакорлари Файз Мўминов ва Ҳаким Эшонқулов; ерлар шудгорламмоқда. Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Кишлоқ мулкдорлари

ФЕРМЕРЛИККА САЛОҲИЯТИ БОР КИШИЛАР ҚҮЛ УРГАНИ МАЪҚУЛ

Кишлоқда мулкдорлар синфининг юзага келиши бугунги иқтисодий ислохотларнинг асл моҳиятини белгилайди. Шу боис, ислохотлар жараёни чуқурлашган сайин, эл-юртни тўкин-сочин қиладиган тадбиркор ва ишбилармонларнинг сафи кенгайиб бораёпти. Мамаражаб ака ана шундай фидойилардан.



мерликка салоҳиятли кишиларгина қўл уриша яхши бўларди. Чунки, ҳолва деган билан оғиз чўчимайди. Фермерликнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари, югур-югурлари кўп, меҳнати оғир. Ана шу заҳматларга чидаган кишини ҳақиқий фермер бўлиши олади.

Ўзимиздан қиёс, нафақага чиқиб, яхши ният билан «Улуғбек» номи фирма очдик. Дастлаб иш бошлаганимизда, биринча тивувилик цехи бор эди холос. Оралдан икки йил ўтиб, Шеробод бозориди ўнчака сарвод қўқони очдик. Озроқ сармойга эга бўлгач, нон ёпиш, новит тайёрлаш цехлари очдик. Иккита ошхонада миллий таомлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Лекин бу ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ...

Дастлаб, бироз рўйиш тўқунликка ҳам бордим. Шунда уйларга келиб «ота, қўйинг шу ишларни қилишни, сизга нима етмайпти, ахир одамлар гапирингиз!» дея танбех берган бўлишимиз. Ахир мен бу ишларни етишмовчилик туфайли қилмаганим, дедим уларга қатъий. Утқинчи тўқунлар, муаммолардан чўчиб, аро йўлда қолаверсак, ким юрт фаровонлигига ҳис-

са қўшади. Ахир, мен икки сўм топсам, бир сўмини шу халқдан, кишлоқ аҳлидан яшириб қайтқанда олиб бордим.

Мамаражаб ака кишлоқда тулроқ босиб, лой кешиб, ўқитувчилик қилган эмасми, унинг феъли ҳам, фикри-уйлари ҳам жайдари эди. Ана шу жайлари фалсафа, чўрт-кесарлик туфайли «Улуғбек» фирмаси бугун кўпчиликка ибрат бўларди. У кишини айтган гапиди турди. Бир сўми икки бўлганда лабзини ютиб, фирмовлик қилмади. Пешона теги, тадбиркорлик билан топилган фойдалан шифохонадаги беморларга, кам таъминланган оилаларга, болалар уйига хайр-эҳсон улашди.

Дунёда энг ёмон нарса ҳасад, ичқоралик. Бу иллат қалбиди макон топган ким-

салар бор экан, яхшиларнинг боши доимо ташвишда. Мамаражаб Қўлиев ҳам ўз умрида ана шундай қора иллатли қимсаларга бир эмас, бир неча мартаба дуч келди. Ҳар сафар ҳаётин қонун — ҳалоллик, сабр бардош, тўғри сўзлик улардан устун чиқди.

Хуллас, уша хайр-эҳсонлар кимнингдир қўнлиги ботинқирамаган шекилли, бу тадбир вилоят телевидениеси орқали намойиш этилди-ю, жамоанинг боши галвалдан чиқмай қолди...

— Худода шукрки, эндиликда таъмагир, тирноқ остидан кир қилирувчи, эл юрти ишониб топширган мансабдари сунистеъмоқ қилувчиларнинг пайи қирқилмоқда, — дейди фермер.

Уша «қов-қов»лардан кейин Мамаражаб ака фирма ишлаб чиқарган маҳсулотларни матбуотда реклама қилишни ҳуш кўравермайдиган бўлиб қолди.

— Эшитганимизча, ипак йигиридангиз цех очибез, — сўраймиз у кишини.

— Аслида уша цех деяретганимиз, қачонлардир қўрилиши бошланган, маблаг йўқлигидан ташлаб қўйилган биро эди. Уни сотиб олиб, ипак

йигиридангиз хусусий фабрикага айлантирдик. Икки смедана ишни йўлга қўйдик. Йигирилган ипак ипаларни Марғилонга сотаётганимиз ҳозирча. Мамаражаб ака голландиялик ишбилармонлар билан ҳам шартнома тузишга эришди.

— Маҳсулот ўзимиздан чиққач, уни Марғилонга ташиб нима қилдик. Олдийгина туқмаччилик корхонаси қуриб, шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришимиз яхши-ку! Бафуржа ҳисоблаб чиқсам, биринча шу кичик корхонанинг ўзидан 50 миллион сўм даромад қиларканмиз. Бунинг устига, 250 киши иш билан таъминланди. Худо умр берса, келгуси йилга бориб яна 250 киши ишга очилди.

Тадбиркорлар чорваччиликка ҳам қўл уриб қўришди, ишлар бинойидек юриштириб кетди. Ҳозир улар ичтиёрида 40 бош совлиқ, 10 бош соғин сугир бор. Ишчиларни сўт, қатиқ, сариғ билан таъминлаш имкони туғилди.

— Яхши ният, яхши далав, — дейди у. — Ниятларимиз холис. Худо хоҳласа, 1997 йилда хорижлик ишбилармонлар билан бошлаган ишларимиз меваси кўзга ташланиши қолади. Чорваччиликмига кул-баракка берса, сўт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик корхона қўқоқчимиз. Нима бўлганда ҳам кишлоқчилик, сўт қатиқдан, сели қочмаган самиз гўштига қозон қайнаши қўйин-да!

Сафар ОМОН, Сурхондарё вилояти.

ТАЖРИБАДА ВЕНГР БУГДОЙИ

Оқолтани туманида ташқи-иқтисодий алоқаларни мустақамлашга катта эътибор берилляпти.

Туман мутахассислари уч йирик мамлакат — Хитой, Венгрия ва Франция билан ўзаро алоқаларни кенг йўлга қўйиб, талайгина корхоналар қуришга муваффақ бўлишди. «Каррера» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳозирданок истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Бобур номи дехқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида эса хитойлик тадбиркорлар томонидан бир кеча-кундузда 20 тонна ун ишлаб чиқариладиган завод ишга туширилди.

Венгриянинг «Икаер-Боболна» фирмаси билан ҳамкорликда тумандаги Собиржон номи дехқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси далаларида 12 гектар ерга венгр бугдойи экиб, тажриба ўтказилмоқда. Мутахассислар келажакда венгр бугдойидан гектарига 55-60 центнердан ҳосил олинишини чамалашмоқда.

Ўқтам ДҮСТЕР.

Галла мустақиллиги учун

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 августдаги: «1997 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экиллари экишни ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳокимлик, дехқончилик-сановат уюшмалари ва хўжалик раҳбарларининг ишчи қандай ташкил этишларида бўлиши керак. Бу ҳол кузги галла экиш мавсумининг дастлабки кунларидидақ сезилиб қолди. Чунинчи, бир қатор туман ва хўжаликларда уруғлик жамғарига совуққонлик билан қаралди. Оқибатда, октябр ойига келиб уруғлик етмай, кўп жойларда қўшиб ёзиш қўзғабиччиликка ўтди. Шу боис жойларда амалдаги қонунларнинг бузилишига йўл қўймаслик учун прокуратура органлари умумий назорат ва текшириш ишларини қатъий йўлга қўйди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Муборак туманларда прокурорнинг ёрдамчиси Меҳмон Нидзов мухбиримизга бу ҳақда қўйидагиларни гапириб берди:

— Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижросини текшириш жараёнида туман прокуратураси ҳодимлари «Муборак» қоракўчилик ширкат хўжалигида, Б. Сайдов номи, А. Навоий номи, «Гулiston», «Қарлик», «Хитой», «Туркистон», «Амир Темури номи жамоа ширкат хўжаликларида бўлиб, амалда оширилаётган ишларнинг тегишли текширишдан ўтказилди. Бунда асосий эътибор галла экиладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолати қандай эканлигига, экиш техникаларини фойдаланиш меъёрига, энг муҳими — уруғлик галланинг сақланиши, уни сепишда мажбул қонун қондаларга қандай риоя этилаётганлигига қаратилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида дон етиштиришда таълуқли ташкилий-иқтисодий ҳолатлар атрофида таҳлил этиб берил-

ган. Шунга қарамай, биз юқоридида санаб ўтган хўжалик раҳбарлари бу қарор ижросини таъминлашда совуққонлик билан мубоабатда бўлишди. Оқибатда, экиш мўддатлари бу хўжаликларда кечиктириб қолди. Ундан ташқари мажбул техника ва экиш агрегатларини мавсумга тайёшлик ҳам яхши эътибор берилмади. Шу боис туман хўжаликларида энг долзарб ва масъулияти мавсум ижросидаги бой берилляпти.

Прокуратура ҳодимлари томонидан ўтказилган текширишларда шу нарса аниқ бўлдики, бугунча Амир Темури номи жамоа ширкат хўжалигида 550 гектар урнига 448, Алишер Навоий номи жамоа ширкат хўжалигида эса 650 гектар урнига 635, «Гулiston» да 2250 урнига 1630, «Туркистон» хўжалигида 2000 урнига 1287, «Хитой» жамоа ширкат хўжалигида 1600 урнига 1208 гектар ерга кузги дон сепилди, холос. Бундан «лепсинчилар» ту-

файли туман бўйича бу йил 12400 гектар ерга кузги бошоқли дон экиллари экилиши режалаштирилган ҳолда, бу иш эътиборига 70 фондан ошди. Қўриқиб турилдики, тумандаги донлар барча хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар ҳамон рафидан.

Яна бир ачинарли ҳолат шунки, сепиллятган уруғ меъёрида шудор қилинган уруғ тўшмади. Янги палла-партини иш тутилиб, мажбул майдонлар 30-35 сантиметр урнига, бор-йўғи 15-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалмоқда. Бу эса сепилган донни қиш-кўришни мумин бой берилишига сабаб бўлади. Ахвол шундай дилом этилсак, келгуси йил ҳосили ҳам барбод бўлиши турган гап.

«Халқ сўзи» мухбири Ш. ҚАРИМОВ, Ёшб олади.

ЮНЕСКО ВА ЁШЛАР

Республикамиз раҳбари Ислом Қаримов ЮНЕСКО ижроси кенашининг 149-сессиясида сўзлаган нутқидида ёшлар сенияти соҳасида маъмур ташкилот билан Ўзбекистон ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаган эди. ЮНЕСКОнинг 2000 йилгача бўлган асосий дастурида ёшлар масалалари га алоҳид эътибор берилган.

Республика «Камолот» жамғармасида ўтказилган ёшларни маънавий камол топтириш мавзудиги давра

сухбати иштирокчилари бугунги кунда ёшларнинг жамиятда тутан ўрни, ўтиш давридаги муаммолари, умумжаҳон миқёсдаги ҳуқуқ ва вазифаларини муҳокама этиди. Сўхбатда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бюроси, Олий Мажлис, вазирлик ва идоралар, жамғарма ва марказлар, оммавий ахборот воситалари шаклидаги талабалар қатнашди. Бюро раҳбари Майкл Барри Лейн бу нуфузли ташкилотнинг юртимизда олиб бораётган фаолияти, келажак-

даги режалари ҳақида сўзлади. У мамлакатимизда ёшларга, хусусан, талабаларга катта эътибор берилляганини таъкидлади. Қатнашчилар «Камолот» жамғармаси томонидан тайёрланган келажак алоқдор хуқуқлари декларацияси лойиҳаси билан танишдилар, вилоятларда ёшларни маънавий камол топтириш мавзудига давра суҳбатлари ўтказилди. Жамғарма қўшиди ЮНЕСКО клубини ташкил этиш режаларини маъқуллади. (ЎЗА).



СУРАТДА: Кўкоч танич пункти пахта уруғчилиги ва селекция лабораторияси мудири, Бериуши номи республика давлат муқдототи соврийори К. Маҳмадбаев. У бошиқ олишлар гуруҳи шу сўхларда «Фаргона - 5» нави устаида иланишлар олиб боришляпти. Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ДУШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.30 «Харфтаном».

8.30 «Бир ўлка...» 8.55 Эстрада тароналари. 9.15 «Морена Клар» Телесериял. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Илм — ўзликни билмакдир». 10.30 «Мактаб» фильми. Мультифильм. 10.40 «Хуноқлар даврасида...» 10.55 «Химмиси маҳаллалдан бошланди». Публицистик курсатув. 11.25 Дони Экизов номидаги халқ чолу оркестрининг концерти. 12.00 Бокс. Жаксон хотирасига бағишланган халқор турир. 12.25 «Ўлан». Бадий фильм. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

TV ХАФТАЛИК КУРСАТУВЛАР TV

«Ирогтека». 21.10 «Жиллет-спорт». 21.40 «Солиқлар ҳақида сабақлар». 21.55 «Дурларш» телекомпаниясининг курсатувлари. 22.25 «Халқ саломатлиги йўлида». 22.55 «Озодлик номидан». Америка тарихи. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «ТВ IV да «Немис тўлини». 24.00 — 00.10 «Хайрли тўни».

ЧОРШАНБА, 27

